



ОИЛАДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ.

Солеҳжонов Абулқосим Жасур ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси курсанти

E-mail: abulqosimsolehjonov414@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523312>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 05th June 2024

KEYWORDS

оила, демократик ҳуқуқий
давлат, фуқаролик
жамияти., Зўравонлик,
жисмоний зўравонлик,
жинсий зўравонлик,
иқтисодий зўравонлик, руҳий
зўравонлик, ҳимоя ордери.

ABSTRACT

Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жуда муҳим вазифаларни бажарувчи оиланинг аҳамияти, унда давлатимизнинг келажаги бўлган ёшларнинг камол топиши, оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, уларга қарши кураш усуллари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

Мавзунинг долзарблиги. Оила демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятни шакллантириш жараёнида муҳим вазифаларни бажаради. Энг аввало, унда давлатимизнинг эртанги келажаги бўлган ёшлар камол топади, ижтимоий қадриятлар ва миллий анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказишда занжир вазифасини ўташи билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Биламизки, оила – халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган қадриятлардан биридир. Мамлакатимизнинг ижтимоий демографик аҳволнинг муҳим хусусияти- жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Жамиятнинг асосий буғинини ташкил этувчи оиланинг ҳолати ҳар доим ҳам давлатнинг амалга оширадиган сийёсатида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шунки давлатнинг эртанги келажаги бўлган ёшлар, энг биринчи тарбияни ўз ота-онасидан, яъни оилада дастлабки тарбия шакллана бошлайди.

Бугун том маънода тарихий даврда яшайбмиз. Истиқлол баршамизга озод ва эркин яшаш бахтини, чинакам хайратга сабаб бўлган миллий қадрийтимиз ва маданиятимизнинг янгиша йисинда шакллантириш имконини берди. Истиқлол йилларининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз томонидан ҳуқуқий демократик давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш бош бош концепциямиз экалиги айтиб ўтилган эди. Бугунги кунда эса, кучли давлатдан кучли жамият сари деган ғоя асосида ҳаётимизнинг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгиланди¹.

¹ <https://arxiv.uz/uz/documents/kurs-ishlari/huquqshunoslik/u-u-iy-davlat-tushunchasi-va-tarifi-1>

Эндиликда давлатимиз ривожлантириш буйича ишлаб чиқилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да ҳам оила ҳақида, унинг мустақамлиги ва соғлом муҳитни шакллантириш буйича алоҳида белгилаб ўтилган.

Айрим тадқиқотларда оилада зўравонлик оқибатида шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, руҳий (психологик) таъсир кўрсатиш мажбурлаш, қийнаш, жабр-зулм қилиш, жинсий зўравонлик билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар батафсил ўрганилган бўлиб, асосан унинг қуйидаги турлари тадқиқ этилган:- жисмоний зўравонлик;

- руҳий зўравонлик;
- жинсий зўравонлик;
- иқтисодий зўравонлик.²

Оиладаги зўравонлик асосан куш ишлатиш йили билан содир этилади, бунда асосий жабрланувчи томон хотин-қизларнинг бўлиши ҳаммамизга маълум.

Оилада келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар шарт-шароитларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, энг аввало, ёшларнинг эрта турмиш қуриши, оиладаги тушинмовчилик орқасидан келиб чиқиши, оиланинг мустақамлиги учун кам этибор қаратили орқасидан ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар келиб чиқмоқда.

Оиладаги зўравонлик асосан жисмоний куч ишлатиш орқали содир этилишини ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган. Зўравонлик бошқа шахсга нисбатан қасддан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишга қаратилган жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлади⁸. Бундай ҳолатда жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатиб, жисмоний зўравонликни уриш, тегиш, соғлиққа зарар етказиш, қамаб қўйиш орқали таъсир кўрсатиш мумкин³.

Оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

² “Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси буйича фаолияти” мавзусида ИИВ академия битирувчиси Камолиддинов Жасур Мухторжон ўғли Тошкент – 2022.

³ Уголовное право России. Общая часть. Учебник для вузов / Отв. ред. проф. Л.Л.Кругликов. –М., 1999. –С.84.

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушинилади.

Тепадаги айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиб, ўз вақтида олди олинмаса давлатимизнинг эртанги келажаги бўлган ёшларимизнинг тақдирига бафарқ қараган бўламиз. Шу сабабли бугунги давлат сиёсатида оилага, маҳаллага этибор қаратилмоқда. Чунки маҳалла биринчи навбатда улар билан ишлашади, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўради. Маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ҳам бу фаолиятда ўз ўрнига эга бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири хисобланади. Бунга мисол қилиб, 2019 йил 2-сентябрь куни ЎРҚ-561-сон билан қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва унда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш буйича ҳимоя ордерининг профилактика инспекторлари томонидан берилиши, унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 206¹-моддаси, яъни “Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик” қойдаларининг белгилаб қуйилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўзи ҳимоя ордери тушунчасига ЎРҚ-561-сон билан қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчаларда тариф берилиб ўтилган, унга кўра:

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.⁴

Ҳимоя ордери берилиши бу ҳуқуқбузарликларни маълум миқдорда камайтириши мумкин, аммо тўхтатмайди. Бу каби ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш учун энг аввало, ёшларнинг таълим-тарбиясига жуда катта этибор қаратишимиз лозим. Зеро, ўқимишли, таълим-тарбияси яхчи бўлиб вояга етган инсонлар онгли равишда яхчи ҳаёт кеширишга, ҳуқуқбузарлик содир этмасликка ҳаракат қилишади.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оиладаги муҳит эр-хотин ўртасида содир бўлса ҳам унда вояга етмаган шахс, боланинг таълим-тарбияси шакллана боради. Бу эса ёшларнинг келажакда қандай инсон бўлиб шаклланишини кўрсатиб беради. Ёшлар учун давлатимизда жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Биринчи навбатда уларнинг оиладаги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ушбу ишлар амалга оширилмоқда десак муболаға бўлмайди. Чунки оиласи тинч, соғлом муҳитда шаклланган ёшларнинг ҳам таълим-тарбияси, уларнинг билим олиши учун ҳам барча шароитлар таъминланади;

Фойдаланган адабиётлар:

1. <https://arxiv.uz/uz/documents/kurs-ishlari/huquqshunoslik/u-u-iy-davlat-tushunchasi-va-tarifi-1>
2. “Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси буйича фаолияти” мавзусида ИИБ академия битирувчиси Камолитдинов Жасур Мухторжон ўғли Тошкент – 2022.
3. Уголовное право России. Общая часть. Учебник для вузов / Отв. ред. проф. Л.Л.Кругликов. –М., 1999. –С.84.
4. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
5. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
7. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» [https:// constitution.uz/uz /clause/index](https://constitution.uz/uz/clause/index)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқароларҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони.
10. Фуқаролик жамияти. https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik_jamiyati